

И. Ш. МАДАМИНОВ

**ТЕЗ ЎҚИШ ВА
УҚИШ САНЪАТИ**

(Назарияси ва амалиёти)

И. Ш. Мадаминов.

М: «Тез ўқиш ва ўқиш санъати». Назарияси ва амалиёти /
И.Ш.Мадаминов / 2019 й. – 144 б.

Такризчилар:

Тошкент Тиббиёт Академияси Фарғона филиали жарроҳлик кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, проф. **Бахтиёр Бурхонович Мирзаев.**

Қўқон Давлат педагогика институти доценти, Филология фанлари номзоди, **Мўминжон Сиддиқов.**

«Тез ўқиш ва ўқиш санъати» номли китобингиздан ўрин олган ўқиш маҳоратини оширишга оид билим ва тавсиялар жамиятимизда мутолаа маданиятини ривожлантириш, ёшларни китоб мутолаасига бўлган қизиқиш ва интилишларини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Маҳмудов**

МУНДАРИЖА

Сўз боши -----	5
----------------	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ НАЗАРИЯ

1-боб

Китобнинг зарурияти -----	7
Ўқиш, мутолаа нима? -----	8
Мулоҳазага чорловчи маълумотлар -----	13
Тез ўқиш меъёрлари -----	16
Ўқиш ва уқиш тезлигини аниқлаш формуласи -----	18
Тез ўқувчи алломалар -----	23
Тез ўқиш ҳақида янада хайратланарли ҳикоялар -----	26
Тез ўқиш усулининг афзалликлари борасида яна бир нечта асосли далиллар -----	32
Тез ва жадал ўқишга бўлган уринишлар -----	35
Яна бир қизиқарли маълумот -----	37

2-боб

Тез ва жадал ўқиш бизга нима учун керак? -----	38
Ўқиш турлари ва усуллари -----	42
Ўқиш маҳоратини оширишдаги дастлабки қадам -----	44
Динамик ўқиш -----	47
Динамик ўқишни қўллаш соҳалари -----	49

3-боб

Ўқишни режалаштириш, тайёргарлик ва уни ташкил этиш -----	50
Ўқишни ташкилий режаси -----	52

ИККИНЧИ БЎЛИМ АМАЛИЁТ

1-боб

Ўқиш тезлигига акс таъсир қилувчи омиллар ва улардан халос бўлиш усуллари -----	54
Регрессия -----	55
Регрессиядан халос бўлиш усуллари -----	57

Талаффузли ўқиш -----	60
Талаффузни йўқотиш усуллари -----	61
Кўз қамровининг торлиги -----	66
Кўз қамровини кенгайтириш усуллари -----	68
Вертикал ўқиш -----	78
Яна кўз ҳаракатлари ва қамрови ҳақида -----	83
Шульте жадвали билан ишлаш тартиби -----	86
Эътиборнинг тарқоқлиги -----	91
Эътиборни жамлашни кучайтириш -----	92
Ихчам стратегиянинг етишмаслиги -----	97

2-боб

Сиз қандай ўқийсиз?-----	98
Ўқиладиган матнни ҳажми ва вақтингизни тежашни ўрганинг-----	100

3-боб

Фотоўқиш -----	102
Фотоўқиш жараёнида ҳаракатлар кетма-кетлиги -----	103

4-боб

Ўқиш самарасини ошириш захиралари -----	104
Матнни ялпи ўқиш усули -----	105
Тушуниш усуллари ва механизмлари -----	109
Матнни босқичма-босқич ўқиш (тушуниш) усули -----	112
Йўналишни ола билиш қобилиятининг ривожланиши -----	116
Мақсадли ўқиш -----	121
Бадиий адабиётлар қандай ўқилади? -----	122

5-боб

Хотирани ривожлантириш -----	129
Хотима -----	133
Фойдаланилган адабиётлар -----	134

СЎЗ БОШИ

Бундан ўн йиллар муқаддам Тошкент шахрига малака ошириш учун борган кезларимда ҳар доимги одатимга кўра китоб дўконларни айланиб юриб, «Қандай килиб тез ўқишни ўрганиш мумкин» деб номланган рус тилидаги китобга кўзим тушди.

Мен ўша пайтга қадар бундай мавзудаги адабиётларни учратмаган эдим. Шу сабабли ушбу китоб мени эътиборимни тортди ва уни дарров сотиб олдим. Ундаги мавзу мен учун мутлақо янгилик бўлганлиги боис кўп таниш ўқитувчи ва илм аҳлилардан тез ўқиш ҳақидаги фикр мулоҳазаларини сўраб-суриштирдим. Бирок, улар ҳам бундай мавзуда ўзбек тилида адабиётлар бор-йўқлиги ҳақида аниқ маълумот бера олишмади. Аммо мен билган ва ўзимга аён бўлган ҳолат шу эдики, ўрта мактабларда, қолаверса олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам бу мавзуга бағишланган ўқув қўлланмалари мавжуд бўлмаган ва бундай дарслар ўтилмаган. Энг қизиғи шундаки, ўқиш тезлигини аниқлаш қоидасини ўргангач билдимки, олий маълумотли бўла туриб, ўзимни ўқиш тезлигим ҳам ўта паст даражада бўлган экан. Аслида, ўқиш тезлигимдан қониқмаслик мени доимо ўйлантириб келган. Негаки, ўзим ўқимоқчи бўлган китобларнинг саноғи йўқ. Кутубхоналардаги, китоб дўконларидаги минглаб китобларни, киоскалардаги ҳар кунлик турли-туман мавзулардаги газета ва журналларни инсонлар қандай ўқиб, улгурар экан деган саволга жавоб тополмай келганман. Шу сабабли тез ўқиш мавзусига жиддий қизиқиб қолдим ва бунга оид яна бир нечта адабиётлар, қўлланмаларни китоб дўконларидан топишга муваффақ бўлдим. Ушбу адабиётлар билан таниша борган сарим ўзимни етарли даражада тез ўқий олмаслигимга яна бир бор амин бўлдим ва тез ўқиш бобида ўзимни саводсиздай тасаввурга эга бўла бошладим.

Ушбу китоб ва қўлланмалардан ўзимни ўйлантириб келган саволларга жавоб топиб борардим. Ҳатто тез ўқишни уддасидан чиққан инсонларнинг аксарияти буюк алломалар, мутафаккирлар, олимлар, ёзувчилар, саркардалар, сиёсатчи ва давлат арбоблари бўлганликлари мени қизиқишимни яна ҳам кучайтирди.

Китобни “Тез ўқиш ва ўқиш санъати” деб, номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки, ўзининг ўқиш ва ўқиш салоҳиятини **Санъат** даражасига кўтара олганларгина ўқишдан роҳатланиш, эгаллаган билимлари самарасидан баҳраманд бўлиш, уларни ҳаётида қўллай билиш бахтига мушарраф бўлади ва ўқиш улар ҳаётининг мазмунига айланади.

Айнан ҳозирги кунларга келиб, интернет тармоқлари орқали тез ўқиш ва уқиш, хотирани мустаҳкамлашга бағишланган қатор мақола, китоб ва бошқа адабиётларни топиш ҳамда улар билан чуқур танишиш имконияти яратилди. Аммо, бундай адабиётлар фақат рус ва инглиз тилларида бўлиб, бу ўзбек китобхонларига улардан самарали фойдаланиш имкониятини анчайил чеклайди.

Бундай билимлар ўзини зиёли, ўқимишли ҳис қилган, қолаверса, ўзининг келажagini ўқишсиз, етарли билимларсиз тасаввур қила олмайдиган ҳар бир инсон учун, айниқса ёш авлод учун сув билан ҳаводек зарур деган тўхтама келдим. Ўқишнинг бундай усулини ҳар қандай ёшда эгаллаш мумкин. Ҳамма билимларни эгаллашдаги каби ёшларга бироз осон кечса, ёши катта ва кексаларда озгина фарк бўлиши мумкин холос.

Энг асосийси, ҳеч қандай истисноларсиз ҳар бирингизнинг ичингизда иккинчи ўзингиз, яъни даҳо ухлаб ётибди. Уни уйғотиш ҳаётингизни бутунлай ижобий томонга ўзгартириб юборади. Шундай бўлгач, ичингиздаги даҳони уйғотинг, тез ўқиш ҳамда уқиш илмини эгалланг, ахборотга эга бўлинг ва оламни бошқаринг!

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши¹ ҳамда 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чоратадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорининг² қабул қилиниши менга туртки бергани сабабли, бу мавзуда китоб яратишга қатъий қарор қилдим. Натижаси ўлароқ, қўлингиздаги китобни Сиз азизларга тақдим қилмоқдаман.

¹ “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 13 январь

² “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 14 сентябрь

БИРИНЧИ БЎЛИМ

НАЗАРИЯ

1-боб

Китобнинг зарурияти

“Ахборотга эга бўлган - оламни бошқаради”

Қўлингизга олган ушбу китоб Сизга қандай кенг имконият ва ютуқлар эшигини очиб беришини тасаввур қилинг:

• Қисқа фурсат ичида кўпроқ билим ва маълумотларни ўқиб, уқадиган бўласиз.

Ҳозирда ўқиётганингизга нисбатан икки баравардан-саккиз бараваргача катта ҳажмдаги ёзма нашрларни ўқиб, уларни уқа оладиган бўласиз. Баъзан эса материалга кўз югуртириб чиқишининг ўзиёқ, уқиш учун кифоя қилади.

• Эътиборингизни яхши жамлай оладиган бўласиз.

Қанчалик тез ўқисангиз, шунчалик фикр ва диққат - эътибор жамлиги ортиб боради, натижада фикр ва диққат - эътиборни жамлай олиш машқини оласиз.

• Мазмунни янаям чуқурроқ, теран ва атрофлича тушунишни ўрганасиз.

Эътиборингиз қанчалик кучайган сари ўқиш ва ахборотни уқиш даражангиз шунчалик ортиб боради.

• Матнни яхшироқ эслаб қола бошлайсиз.

Сиз эътибор билан ўқиган сари, фикрингизни жамлай оласиз ва матнни яхшироқ тушуна бошлайсиз.

• Ўқишдан кўпроқ роҳатланасиз.

Ушбу китобда қайд этилган тез ўқиш ва уқиш стратегияси, сизда ўқиш қобилиятингизга ишонч руҳини шакллантиради ва тез орада ўқиш ўзингизга ёқаётганлигига амин бўласиз.

Худди шунингдек, тез ўқиш ва уқишнинг кўпчилиikka аён бўлмаган яна қуйидаги фойдали томонлари ҳам борки, кейинчалик сиз ҳам бунга амин бўлишингизга ишонаман:

• Агарда сиз мактаб, академик лицей, коллеж, олий ўқув юрти ёки магистратурада ўқиётган бўлсангиз, юқори баллар тўплай оласиз;

• *Жуда катта ҳажмдаги ахборотларни тез ва соз ўзлаштирасиз;*

• *Тармоқлардан зарур маълумотларни тез излаб топиб, уларни саралаб, тез уқа оласиз;*

• *Зарур бўлган қўлланмаларни қисқа вақт ичида ўқиш ва уқишни уддалайсиз;*

Мисол учун, агарда дарҳол бажариш зарурати юзага келганда, қурилмалар, техникалар, болалар ўйинчоқлари ва ҳ.к. ларни тезда йиғиш ва улардан фойдаланишни тез амалга ошира оласиз.

• *Агарда, товарлар қўлланмаларини тезлик билан ўрганиш, қиймати билан солиштириб чиқиш лозим бўлиб қолса, буни тезда амалга оширасиз;*

• *Ўқиш учун сарфланадиган вақтни ҳисобини олиб бориш ва шунга қараб бошқа ишларингизни режасини тузасиз;*

Ҳаттоки, ҳозирда аптекалардаги оддий дори-дармонларни қўлланмалари шунчалик узундан-узун ёзиладики, уларни ўқиб чиқиш жуда кўп вақт ва катта куч талаб қилади. Баъзи ҳолларда кутиш анчайин қимматга тушадиган ҳолатлар ҳам юз бериб туради.

Ўқиш, мутолаа нима?

*Ўқиш – инсонни комилликка
элтувчи ягона воситадир
Муаллиф*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори ўта долзарб ва айна вақтида қабул қилинган тарихий ҳуқуқий актлардир. Негаки, аҳолиси китобхон, билимли, оқил, доно ва комил инсонлар бўлган давлат - қудратлидир. Эсимни таниганимдан буён китобхонлик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини илк бор гувоҳи бўляпман.

Ушбу фармойиш ва қарордан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар республикамиз оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилмоқда. Китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, мавқеи ва яҳамияти ҳақида етарли даражада маълумотлар ва тушунтиришлар фуқароларнинг кенг қатламига етказиб борилмоқда.

Ўз ҳаётида китобнинг роли нақадар буюк ва қудратли эканлигини тан олиши, эътироф эта олиши - ҳар бир инсоннинг ўзи учун қила олган энг улуғ жасорати ва саховатидир десам, шак-шубҳасиз, ҳақ гапни айтган бўламан.

Манбаларда қайд этилишича соҳибқирон Амур Темур Арманистонга бостириб борганида, дастлаб уларнинг қадимий қўлёзма ва китобларини ўлжа олган. Шунда арманлар ўзларининг ҳар бир китобини иккитадан асирга алмаштирган. Бу арманларнинг XIV асрда тарихий меросларини қанчалик юқори баҳолашганини кўрсатади.

Ёзув - инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Бироқ, олти минг йиллар аввал ёзув кашф этилганидан то ҳозирга қадар инсонлар ўқиш тезлигининг юқори кўрсаткичи деярли ўзгармаган. Яъни, инсон ўқиш тезлигини ўзининг гапириш тезлигидан оширишга ҳаракат қилмаган. Бунга сабаб бўлган омиллардан бири таълим тизимимизда қўлланиб келаётган анъанавий ўқиш усулига ўта кўникиб кетганлигимиздир. Қолаверса, ўқишнинг мен сизларга етказмоқчи бўлаётган ноанъанавий усуллари таълим тизимимизга кириб бормаётганлиги ҳам ўқиш тезлигимизни ўта паст даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Биз ахборот технологиялари асрида яшаётганлигимизни, инсон кўзи билан қабул қиладиган 20 фоиз ахборотнинг 70 фоизини бевосита ўқиш орқали олишини инобатга олсак, ўқиш ва ўқилганларни уқиш, хотирада сақлаш ҳаётимизда қанчалик долзарблигини англаш қийин эмас.

Авалло, ҳар биримиз қуйида келтириладиган саволларга ўзимиздан жавоб излаб кўрайлик:

- Ўқиш ва уқишни ўзи нима деган саволларга жавоб излаб кўрганмисиз?
- Ўқиш сизга роҳат бахш этадими ёки азобми?
- Ўзингизнинг ўқиш ва уқиш тезлигингиз қандайлигини биласизми, бундан қаноатланасизми?

- Ўқиб чиқишингиз ва билишингиз лозим деб ҳисоблаган, касбингиз, ихтисослигингиз, мутахассислигингизга оид дарсликлар, китоб, журнал, адабиёт ҳамда ёзма манбаларни ўз вақтида ўқиб, ўқиб боришга улгуряпсизми?
- Ўқишнинг анъанавий ва ноанъанавий усуллари ҳақида эшитганмисиз?

Агарда жавобларингиз салбий бўлса ҳам, бундан ҳеч хижолат чекманг. Очiqчасига тан олиш керак, бу саволларга аксарият инсонлар салбий жавоб бериши тайин. Негаки, ўзининг ўқиш тезлигидан қониққан инсонларни ҳали учратмадим. Мен суҳбатлашган ва маърузаларимни тинглаган инсонларнинг деярли барчаси ўқиш тезлиги ҳақида тушунчага эга эмасликлари, яъни ўқишнинг ноанъанавий усуллари ҳам мавжудлигидан беҳабарликлари маълум бўлмоқда. Бунинг сабабини мен, кўпчилигимиз рус ёки инглиз тилларини пухта ўзлаштирмаганлигимиз ва кўплаб ривожланган давлатларда бу соҳада олиб борилаётган изланишлар ҳамда ютуқлар ҳақидаги ахборотлардан четда қолаётганлигимизда бўлса керак деб ўйлайман.

Ўқиш ўзи нима деган саволни берсангиз, кўпчилик ҳайрон бўлиши табиий. Чунки, бу сўз ҳаётимизга шунчалик сингиб кетганки, биз ҳатто ушбу савол устида бош қотириб ўтиришни ҳам ўзимизга эп кўрмаймиз. Болаликда бир марта ўқишни ўргангач, қайтиб бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Тез ва самарали ўқиш усуллари ҳақида эса гапиришни ҳам ҳожати бўлмаса керак.

Шунинг учун мавзумизни ўқишни ўзи нима, ўқиш бу қандай жараён деган саволларга жавоб излашдан бошласак.

Ўқиш - бу ёзма кўринишдаги ахборотларни қабул қилишда қўлланиладиган хийла мураккаб жараён. Инсон миясида рўй берадиган жараёнларни аниқ таърифи мавжуд эмас. Айрим олимларнинг фикрича ўқиш бу - кўз ва онг ёрдамида муаллиф матнга жойлаган айнан ва яширин маънони тушуниш жараёнидир. Қисман шундай. Лекин бунда физиологик жараёнлардан ташқари кўриш, эшитиш, фикр юритиш (*мантиқий ишлаш*), тасвирли фикр, ҳиссий идрок ва бошқа ҳар-хил инсон онги унсурлари ҳам иштирок этади. Ўқиш ҳақида яна турлича тарифлар ҳам мавжуд. Жумладан, ўқиш бу – бир инсоннинг бошқасига ўз фикр ва мулоҳазаларини етказиш усули ҳам ҳисобланади. Бадиий адабаётлар, илмий-оммабоп журналлар, кўнгил очар нашрлар ва бошқаларни ўқиш қайғудош бўлишликка, ҳамдардликка асосланади.